# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

2023 ЙИЛ — ИНСОНГА ЭЪТИБОР ВА СИФАТЛИ ТАЪЛИМ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: info@xs.uz ● 2023 йил 9 февраль, № 27 (8370) Пайшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


# АЗИМ ПОЙТАХТИМИЗ ЯНАДА ОБОД, ИНФРАТУЗИЛМАСИ РИВОЖЛАНГАН ШАҲАРГА АЙЛАНАДИ

**Президент Шавкат Мирзиёев 8 февраль куни пойтахтимиздаги бир қатор муҳим лойиҳалар билан танишди, маҳалла аҳли билан суҳбатлашди. Шунингдек, масъуллар ва жамоатчилик вакиллари иштирокида долзарб масалаларни муҳокама қилди.**



Давлатимиз раҳбари дастлаб Тошкент метрополитенидаги бунёдкорлик ишлари билан танишди.

Инсон учун ўз меҳнатлари самарасини кўриш, одамларга қувонч улашиш — катта бахт. Мамлакатимизда халқнинг мушкулини осон, узоғини яқин қилишга қаратилган бундай хайрли ишлар жуда кўп.

Биргина транспорт соҳасини олганда, сўнгги йилларда улкан лойиҳалар амалга оширилди. 2020 йил августда Тошкент ер усти метросининг биринчи босқичи ишга туширилган эди. Ўша йил декабрда Сергели йўналиши очилди. Бугунги кундаги йўловчилар оқимидан билиш мумкинки, бу лойиҳалар ўзини тўла оқлади.

Бу ишлар изчил давом эттирилиб, мазкур икки йўналишни боғловчи Қўйлиқдан Сергелигача бўлган метрополитен барпо этилмоқда. Қарийб 12 километрлик бу қисмда 7 та бекат бўлади. Айни кунларда унинг Қурувчилар даҳасигача борган 5 та бекати қуриб битказилди.

Давлатимиз раҳбари ушбу транспорт иншоотини бориб кўрди. Нуронийлар ва фаоллар билан суҳбатда лойиҳанинг аҳамияти ҳақида сўз борди.

— Охирги йилларда бу борада ҳам тажриба тўпладик. Қўйлиқ йўналишида 7 та, Сергелида 5 бекатли ер усти метролари қурилди. Олдин Тошкент метрополитенидан 240 минг йўловчи фойдаланган бўлса, бугунги кунда 600 мингдан ошди. Режамиз — 1 миллион йўловчи. Агар ўз вақтида буни бошламаганимизда, шаҳар транспортида коллапс бўлиши мумкин эди. Энди муқобил энергетикани ҳам ўрганмасак бўлмайди, — деди Шавкат Мирзиёев.

Президентимиз жамоатчилик вакиллари билан бирга метрода юрди.

Қурувчилар даҳасидан Қипчоқ бекатигача бўлган қарийб 4 километрлик метро йўли ҳам яқин ойларда ишга туширилади. Шу тариқа Қўйлиқ ва Сергели орасидаги қатнов вақти 15 дақиқани ташкил этади. Мазкур йўналиш бир кунда 40 мингга яқин йўловчиларга хизмат кўрсатиш қувватига эга бўлади.

Бунинг эвазига шахсий транспортларга эҳтиёж камайиб, тирбандлик бартараф этилади. Хусусан, Қўйлиқ — Сергели йўналишида ҳаракатланадиган кунлик автомобиллар сони 40 мингтагача қисқариб, транспорт оқими 12 фоиз камайиши мумкин.

Умуман, ушбу босқич қуриб битказилиши билан Тошкент метрополитенининг жами узунлиги 70 километрдан зиёд, бекатлар сони 50 та бўлади. Метрода юрувчи кунлик йўловчилар сони 650 мингтача етади. 245 та янги иш ўрни яратилади.

Президент Шавкат Мирзиёев пойтахтимиздаги "Aysel Energy" масъулияти чекланган жамияти фаолияти билан танишди.

Маълумки, бу йилги қиш анча совуқ бўлгани электр энергияси тизимидаги муаммоларни яққол юзага чиқарди. Хусусан, айрим эски трансформаторлар юкланишни кўтара олмай, электр таъминотида узилишлар кузатилди.

Давлатимиз раҳбари соҳа мутасаддиларига электр тармоқларини янгилаш, зарур жиҳозлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш бўйича топшириқлар берган эди. Бу ташриф ўша вазифалар ижроси, келгусида энергетик муаммоларнинг олдини олишга қаратилган ишларнинг бир қисми.

"Aysel Energy" йилига 10 минг дона йирик электр ускуналари ишлаб чиқариш қувватига эга. Туркия технологияси ўрнатилган корхонада маҳаллийлаштириш даражаси 70 фоизга етган. Натижада маҳсулот ишлаб чиқариш таннархи ва ўрнатиш харажати кам. Бу эскирган трансформаторларни нафақат пойтахтда, балки бутун республикада янгилаш имконини беради.

Мутасаддилар бу йил мамлакатимизда 3 200 та трансформатор, 12 минг километр кабелларга зарурат борлиги ҳақида ахборот берди. Давлатимиз раҳбари импорт таҳлилидан келиб чиқиб, ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, маҳаллий маҳсулотларга буюртмаларни кўпайтириш муҳимлигини таъкидлади.

Умуман, энергетика соҳасидаги бундай ишлар электр тармоқларининг барқарорлигини оширишда муҳим омил бўлади.

Давлатимиз раҳбари Сергели туманидаги Эзгулик маҳалласида бўлиб, аҳоли ҳаёти билан танишди.

Бу ерда 26 та кўп қаватли уй бор, 6 мингдан зиёд аҳоли яшайди.

Президентимиз маҳалла вакилларидан ҳол-аҳвол сўради. Нуронийлар ўтган совуқ кунларда халқимизнинг ва давлат идоралари хизматчиларининг бирлиги билан қийинчилик ортда қолдирилганини айтишди. Энергетика ва коммунал хизматлар 24 соат давомида ишлаган, тезкор чоралар кўриб борилган. Хусусан, маҳалладаги трансформатор ҳам янгиланган.

— Бу бизга сабоқ бўлиши керак. Энергетикада 3-4 карра кўпроқ захира яратишимиз зарур. Шунинг учун қайта тикланувчи энергетикани ривожлантиришга эътибор беряпмиз. У — муқобил, ишончли ва экологик тоза, — деди давлатимиз раҳбари.

Маҳаллалардаги устувор вазифа аҳоли бандлиги ва ёшлар тарбияси экани таъкидланди. Шу боис ҳам бу йил юртимизда "Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили" деб эълон қилинди. Ўқувчилар мактабда иккита хорижий тил ва битта касб ўрганиб чиқиши учун шароит яратилмоқда. Халқимиз бу ҳаракатни қўллаб-қувватламоқда.

Нуронийлар юртимизга тинчлик-хотиржамлик, халқимизга фаровонлик тилаб дуо қилди.

Шундан сўнг Президент Шавкат Мирзиёев Тошкент шаҳрида энергетика ва транспорт инфратузилмасини ривожлантириш, маҳаллаларни обод қилиш ва аҳоли бандлигини ошириш масалалари бўйича йиғилиш ўтказди.

Унда шаҳар ва туманлар мутасаддилари, жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Аввало, энергетика масалаларига эътибор қаратилди. Бу борадаги қўшимча манбалардан бири қайта тикланувчи энергия. Тошкент шаҳрида камида 2 минг мегаваттга яқин қувватли қуёш панелларини ўрнатиш мумкинлиги қайд этилди.

Хусусан, кўп қаватли уйлар, ижтимоий объектлар ва бошқа биноларнинг том қисми, саноат зоналари, автотураргоҳ ва йирик сув иншоотлари ҳудудини қамраб олиш мумкин. Бу чоралар кўрилса, ҳисоб-китобларга кўра, 2023 йилда кутилаётган 240 миллион киловатт-соатлик қўшимча талабни 4 баравар ортиғи билан, яъни 1 миллиард 80 миллион киловатт-соат ҳажмда таъминлаш имконияти пайдо бўлади.

Президентимиз электр ишлаб чиқаришда давлат монополиясидан кетиб, рақобатли муҳит жорий қилиш зарурлигини таъкидлади. Жумладан, давлат панель ўрнатган тадбиркорлардан электрни кафолатли сотиб олади. Кейинги йилдан эса бошқа истеъмолчиларга ҳам сотиши мумкин бўлади. Аҳоли ўз хонадонида панель ўрнатса, эҳтиёжидан ортиқ тармоққа сотган электр энергиясининг ҳар бир киловатти 1 минг сўмдан сотиб олинади.

Шу боис саноат зоналари ва йирик корхоналарда 400 миллион киловатт-соатлик қуёш панеллари ўрнатиш, Юқори Чирчиқ туманида 500 мегаваттли қуёш электр станциясини қуриш чоралари белгиланди. Ижтимоий соҳа ва давлат идоралари биноларида ҳам қуёш панеллари ўрнатиш, саноат корхоналарида электр йўқотишларини камайтириш, магистраль иссиқлик тармоқлари ва 1 817 та кўп қаватли уйнинг ички иситиш тизимини янгилаш бўйича топшириқлар берилди.

Умуман, шаҳарда қайта тикланувчи энергия жорий қилиш учун 1 миллиард доллар йўналтирилади.

Йиғилишда 2023 йилда пойтахтда аҳоли бандлигини таъминлаш масалалари ҳам муҳокама қилинди.

Янги иш ўринларини яратиш бўйича улкан марраларга эришишда тадбиркорларга таяниш, уларни қўллаб-қувватлаш лозимлиги таъкидланди.

Жумладан, бу йил Тошкент шаҳрида хизматлар соҳасини ривожлантириш учун 20 триллион сўм кредит йўналтирилади, оилавий тадбиркорлик учун 300 миллиард сўм имтиёзли кредитлар ажратилади.

Шаҳар маҳаллаларида ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини яхшилаш учун 1,4 триллион сўм, шунингдек, "Ташаббусли бюджет" доирасида 573 миллиард сўм йўналтирилиши қайд этилди.

Президент маҳаллаларни обод қилиш, йўллар ва сув иншоотларини таъмирлаш масалаларига ҳам тўхталди. Шунинг учун шаҳардаги 584 та маҳалланинг ҳар бирига бюджетдан қўшимча 1 миллиард сўмдан, жами яна 584 миллиард сўм ажратишга қарор қилинди.

Йиғилишда жамоат транспорти соҳасига яна бир бор эътибор қаратилди. Йўловчиларга қулайликларни ошириш мақсадида 1 апрелга қадар қўшимча мингта автобус олиб келиниб, 25 та кўчада автобуслар учун алоҳида йўлаклар ташкил этилиши, светофорларни йўловчи оқимига қараб бошқариш, автотураргоҳлар ва паркоматлар ташкил қилиниши айтилди.

Давлатимиз раҳбари қурилишга рухсат берилганда, мавжуд инфратузилмага юклама бўйича аниқ ҳисоб-китоб қилинмаётгани, яшил майдонлар ташкил этиш ишлари қурилишлар билан ҳамоҳанг олиб борилмаётганини танқид қилди. Шу боис шаҳарнинг бош режаси тасдиқланмагунча янги қурилишларга мораторий эълон қилинади.

2023 йилда Тошкент шаҳрининг яшиллик даражасини 28 фоизга етказиш вазифаси қўйилди. Шу мақсадда 100 гектар майдонда боғ ташкил қилиниб, "Тошкент яшил белбоғи" лойиҳаси бошланиши айтилди.

Пойтахтда чиқинди билан ишлаш ҳам қониқарсиз экани кўрсатиб ўтилди. "Махсустранс" фаолиятини ислоҳ қилиш, чиқиндиларни қайта ишлаш даражасини 50 фоизга етказиш вазифаси қўйилди.

Йиғилиш якунида шаҳар раҳбарияти ва туманлар ҳокимларининг ҳисоботи тингланди.

Шу ерда Тошкент шаҳрида хизматларни ривожлантириш ва аҳоли бандлигини ошириш режалари тақдимоти ўтказилди.

**Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,**
**Икром АВВАЛБОЕВ,**
**ЎзА мухбирлари.**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

## ИНСТИТУТНИНГ ОЧИЛИШ МАРОСИМИ ЎТКАЗИЛДИ

*Кеча Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетида янги ташкил этилган Истиқболли халқаро тадқиқотлар институтининг очилиш маросими бўлиб ўтди.*

**Тадбир**

Тадбирда депутатлар, сенаторлар, Ташқи ишлар ҳамда Инвестициялар, саноат ва савдо вазирликлари, тегишли ташкилот ва идоралар, Ўзбекистонда аккредитациядан ўтган дипломатик миссиялар ва халқаро ташкилотларнинг раҳбарлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари, университет профессор-ўқитувчилари ва талабалари қатнашди.

Олий Мажлис Сенати Раисининг биринчи ўринбосари, университет ректори Содиқ Сафоев тадбирни очаркан, Президентимизнинг бу институтни очиш ташаббуси Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетини халқаро ва минтақавий тадқиқотлар олиб бориладиган илғор муассасага айлантиришга қаратилганини алоҳида таъкидлади.

Ташқи ишлар вазирининг биринчи ўринбосари Фуркат Сиддиқов юртимизда биринчи бор академик халқаро ва тармоқлараро илмий-тадқиқот институти шакллантирилаётгани, у жаҳондаги бошқа профессионал тадқиқот марказлари ва халқаро илмий-тадқиқот институтлари қаторидан мустаҳкам ўрин эгаллашини урғулади.

Анжуманда Фридрих Эберт номидаги жамғарма (Германия), Сассекс университети Халқаро тадқиқотлар мактаби (Буюк Британия) ва Расана маркази (Саудия Арабистони) каби хорижий ташкилотлар билан ҳамкорлик ва ўзаро англашув меморандумлари имзоланди. Питтсбург университети Бозорлар ва бошқарув масалаларини ўрганиш маркази (АҚШ) билан шерикликни йўлга қўйиш ва қўшма тадқиқот йўналишларини аниқлаш бўйича келишувга эришилди.

Таъкидлаб ўтилганидек, янги очилган институтнинг асосий вазифаси халқаро муносабатлар, жаҳон иқтисодиёти, халқаро ҳуқуқ, минтақавий ва мамлакатшуносликнинг долзарб масалаларини фанлараро ўрганиш, илғор жаҳон сиёсати ва иқтисодиётининг муҳим масалалари бўйича ахборот-таҳлилий ҳужжатлар, илмий мақолалар ва тавсиялар тайёрлашдан иборат бўлади.

→ 2

**Муносабат**

## ҚАЙТА ТИКЛАНУВЧИ ЭНЕРГИЯ МАНБАЛАРИ КЎПАЙТИРИЛАДИ

*Кейинги йилларда мамлакатимизда ҳам қайта тикланадиган энергия ишлаб чиқаришга ва бундай манбалардан кенг фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Боиси электр энергиясининг қарийб 85 — 90 фоизи табиий бойликлар — кўмир, газ ва нефть маҳсулотларини ёқиш эвазига ишлаб чиқарилади.*

"Яшил" энергия салмоғи эса ҳозирда атиги 10 — 14 фоизни ташкил этяпти холос. Ўзбекистонда бир йилда ўртача 320 кун қуёшли бўлишини эътиборга олсак, мамлакатимизда бу борада катта имконият бор. Шу боис мазкур соҳани тубдан ислоҳ қилишга, 2026 йилга қадар қайта тикланувчи энергия манбалари улушини 25 фоизга етказиш режалаштирилган.

Президентимизнинг водий вилоятлари — Андижон, Фарғона ҳамда Наманганга қилган ташрифида ҳам электр энергия билан боғлиқ масалаларга алоҳида эътибор қаратилди. Сабаби халқимиз яқинда юртимизда ҳукм сурган аномал совуқ кунлари электр энергия, иссиқлик таъминоти билан боғлиқ муаммолардан қанчалик қийналганини барчамиз кўрдик, ҳис қилдик.

→ 2

## ШИЖОАТИ ҚАТЪИЙ, НИЯТИ УЛУҒ ВОР

*Наманган водийнинг тарихий, обод шаҳарларидан бири саналади. Бу гўшада қўлида ҳунари йўқ ва том маънода уддабурон бўлмаган одамни топишнинг ўзи қийин. Сабаби водийнинг бу сўлим гўшасида яшаётган ҳар фуқаро тадбиркор ва ишбилармонлик борасида мамлакатда ўз ўрнига эга.*

Президентимиз 2021 йил февраль ва сентябрь ойларида Наманганга ташрифи чоғида вилоятда олиб борилаётган қурилиш-бунёдкорлик ишлари кўламини кенгайтириш, тадбиркорлик, саноат, қишлоқ хўжалиги, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаларини жадал ривожлантириш юзасидан муҳим вазифаларни белгилаб берган эди.

Ўтган қисқа даврда мазкур топшириқлар асосида ишлаб чиқилган дастур ва режалар ижроси доирасида бу ерда улкан янгиланиш ва ўзгаришлар рўй берди. Амалга оширилган ишлар натижасида Наманган вилояти саноат, тадбиркорлик, таълим ва маданият соҳаларида ўз ўрнини топди.

Яқинда иш бошлаган Давлатобод туманидаги "Fazman tekstil" корхонаси қисқа вақт ичида Германиянинг дунёга машҳур "Digel" ва "Carl Gross" брендлари билан ҳамкорлик ўрнатгани фикримиз тасдиғидир.

→ 2

## ХАЛҚ ФАРОВОНЛИГИ ЙЎЛИДАГИ ИСТИҚБОЛЛИ ЛОЙИҲАЛАР

*Президент Шавкат Мирзиёев 2 февраль куни Фарғона вилоятида бўлиб, ҳудудларда амалга оширилаётган йирик лойиҳалар, аҳоли ҳаёти билан яқиндан танишар экан, халқимиз фаровонлигини ошириш, бандлигини таъминлаш бундан кейин ҳам устувор йўналиш бўлиб қолишини таъкидлади.*

Бу водий аҳлини ғоятда хурсанд қилди, эртанги кунга ишончини янада мустаҳкамлади. Зеро, давлатимиз раҳбари қайси вилоятга бормасин, мутасаддилар олдига мавжуд муаммоларни бартараф этишга қаратилган вазифалар қўяди, уларнинг ижроси назоратини мунтазам олиб боради. Халқ билан ишлаш, унинг ичида бўлиш лозимлигини тинимсиз таъкидлайди ва ўзи ҳам шунга амал қилади.

Дарҳақиқат, халқ билан мулоқот қилиш, унинг кўзига боқиш билан муаммосини сезиш, аниқлаш, илдизини топиш ва ечиш мумкин. Ўтган ҳафтанинг уч куни мобайнида Президентимиз водий аҳли билан учрашди, фикр-мулоҳазаларини тинглади, уларни қийнаётган масалаларни ҳал этиш йўлларини таклиф қилди. Тадбиркорларнинг илғор ютуқлари билан танишди. Қандай муаммолар бўлса, уларни ечиш мезонларини кўрсатди.

Водийга сафарнинг иккинчи куни Президент Шавкат Мирзиёев фарғоналиклар ҳаётини, маҳаллалар ва кластерлар фаолиятини ўрганиш учун Қўштепа тумани, Қувасой, Фарғона ва Марғилон шаҳарларида бўлди. Давлатимиз раҳбари 2022 йил май ойида Фарғона вилоятига ташрифи чоғида "Global textile infinity" кластерининг ишлаб чиқариш лойиҳаси билан танишган эди. Ўшандаги кўрсатмалар асосида лойиҳа жадаллаштирилиб, декабрда ишга туширилди. Бу галги ташрифда Қўштепа туманидаги мазкур тўқимачилик корхонаси кўздан кечирилди. Замон андозаларига мос технологиялар билан жиҳозланган ушбу корхона йилига 18 миллион метр аралаш мато ҳамда 10 миллион дона тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга. Маҳсулотларни Европа давлатлари ва Хитойга экспорт қилиш режалаштирилган.

Президент тайёр маҳсулотлар турини кўпайтириш, таниқли брендлар билан ҳамкорлик ўрнатиш зарурлигини таъкидлади.

Пахта етиштириш ҳақида гап борар экан, таъкидлаш жоизки, тизимда кластерлар йўлга қўйилмагунича деҳқоннинг косаси оқармади. Миришкорлар яқин-яқинларгача пахтасини бозор нархида сотолмади. Қайта ишловчи давлатларга тонналаб "оқ олтин" арзон нархларда сотиб келинди. Бюджет ҳам айтарли даромад кўрмади. Сув, вақт, куч ва меҳнат зое кетарди, дейиш мумкин. Президентимиз ғояси ва ташаббуси асосида йўлга қўйилган янги тизим бу муаммоларга ечим топди. Кластер усули пахтани етиштиришдан тортиб қайта ишлаш, ўша жойнинг ўзида хомашёни тайёр маҳсулотга айлантириш ва уни хорижга халқаро бозорлар нархида сотиш имконини бермоқда. Бунинг натижасида деҳқон, қайта ишловчи ва сотувчи бирдек даромад кўряпти.

→ 3

# ХАЛҚ ФАРОВОНЛИГИ ЙЎЛИДАГИ ИСТИҚБОЛЛИ ЛОЙИҲАЛАР

1

2017 йилда Ўзбекистонда биттагина пахта тўқимачилик кластери бўлган. Бугунги кунда уларнинг сони 134 тага етди. Бу фақат пахтачиликнинг ўзида.

Давлатимиз раҳбари Фарғона вилоятидаги йиғилишда пахта тўқимачилик кластерлари яхши ишлаши ва халққа манфаат келтириши учун нимаики халақит бераётган бўлса, давлат уларни ҳал қилишда кўмакчи бўлишини таъкидлади.

Маълумки, шу йил 10 январда Президентимизнинг "Пахта-тўқимачилик кластерлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш, тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини тубдан ислоҳ қилиш ҳамда соҳанинг экспорт салоҳиятини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони қабул қилинди. Ушбу ҳужжатда тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатидаги мавжуд имкониятлар ва янги захираларни сафарбар этишга қаратилган қатор чора-тадбирлар белгиланди.

Хусусан, Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси томонидан газлама, трикотаж мато ва тайёр тикув-трикотаж маҳсулотлари экспорт қилувчи корхоналарни узлуксиз, жумладан, револьвер кредитлаш асосида айланма маблағ билан таъминлаш учун Экспортни рағбатлантириш агентлиги ҳузуридаги Экспортни қўллаб-қувватлаш жамғармасига, унинг буюртмасига асосан 200 миллион АҚШ доллари миқдоридаги маблағлар 3 йил муддатга йиллик 4 фоиз ставкада ажратилади. Тижорат банкларида, уларнинг буюртмасига асосан 100 миллион АҚШ доллари миқдорида, 10 йил муддатга, 3 йиллик имтиёзли давр билан йиллик 4 фоиз ставкада ва қолган давр учун йиллик 5 фоиз ставкада газлама, гиламчилик, бўяш-пардозлаш, тайёр тикув-трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш лойиҳаларига кредит линиялари очилади.

Бундан ташқари, пахтачилик кластерлари фаолиятини янада қўллаб-қувватлашга оид Президент қарорига кўра кластерлар пахта етиштиришга ўғит, уруғ, ёқилғи учун имтиёзли кредитларни исталган вақтда олиш имконига эга бўлди. Уларга ғўза навларини мустақил жойлаштириш, четдан ҳосилдор навларни селекция учун олиб келишга рухсат берилди. Шунингдек, лазерли текислагичларни сотиб олишда улар қийматининг 30 фоизи бюджетдан қоплаб берилади. Ишлаб чиқаришни илм билан боғлаш мақсадида ҳар бир кластерга пахтачилик илмий ташкилотлари ва агрохизмат марказлари бириктирилади.

Водий вилоятларида "хомашё — тайёр маҳсулот — экспорт" занжири асосида тўқимачилик саноатини чуқур ривожлантириш учун барча шароит ҳозирланган. Бу мазкур учта вилоятда тўқимачилик маҳсулотлари экспортини янада ошириш имкониятини яратади.

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш соҳасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар силсиласида хусусий тиббиёт ривожига ҳам алоҳида эътибор қаратилаётгани халқимизни рози қилишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу тизимда янги усул ва механизмларни жорий қилиш, муассасалар ўртасида соғлом рақобат ва сифатни оширишга туртки бўляпти.

Фарғона вилоятида ҳам хусусий тиббиёт изчил равнақ топиб бормоқда. Бундай муассасалар сони мунтазам ошиб, бугунги кунда 720 тага етди. Улардан бири Фарғона шаҳридаги "Meridian" тиббиёт марказидир.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев вилоятга ташрифи давомида мазкур муассасада яратилган шароитлар билан танишди. Клиника 2021 йил декабрда фойдаланишга топширилган бўлиб, Германия, Жанубий Корея, Япония ва Хитойдан келтирилган энг сўнгги технологиялар, тиббий ускуналар билан жиҳозланган. Бу беморларга замонавий ташхис ва даволаш хизматларини кўрсатиш имкониятини яратмоқда.

Кейинги йилларда мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимидаги улкан ўзгаришлардан бири инсон аъзолари трансплантациясига рухсат берилгани бўлди. Бу билан қанчадан-қанча беморларнинг шифо излаб, катта маблағ ва вақт сарф қилиб, хорижий давлатларга боришига ҳожат қолмади. Улар она Ватанимизда, ҳатто марказий шаҳарларга ҳам бормасдан, ўз туманида яқинлари қўллаб-қувватлови билан дардларидан фориғ бўлмоқда.

"Meridian" тиббиёт марказида ҳам инсон аъзоларини кўчириб ўтказиш учун жиҳозланган операция хоналари мавжуд. Давлатимиз раҳбари марказ фаолияти билан таниша туриб, келгусида хусусий тиббиёт муассасаларида ҳам инсон танаси аъзоларини кўчириб ўтказишга рухсат бериш таклифини қўллаб-қувватлашини айтди.

Бугунги кунда юртимизда тиббий кластерлар ҳам пайдо бўла бошлади. Бундай муассасалар кенг қамровли бўлиб, нафақат беморларни даволаш, балки тиббий туризм ва тиббий таълимни ҳам ўзида мужассамлаштиради.

Мазкур клиника ҳузурида ҳам университет очилган. Ҳозирги кунда ушбу олийгоҳда 600 нафар талаба ўқимоқда, уларга чет эллик ўқитувчилар сабоқ бераётир. Талабалар тиббиёт марказида амалиёт ўтайди. Шу тариқа бу муассаса замонавий клиникалар, ташхис марказлари, лабораториялар ва университетни ўзида бирлаштирган тиббиёт кластерига айланди. Бу каби тиббий кластерларнинг юртимизда изчил кўпайиб бораётгани соғлиқни сақлаш соҳасида сифат ўзгаришларига омил бўлиши шубҳасиз.

Буюк Ипак йўли чорраҳасида жойлашган, кўҳна ва ҳамиша навқирон обидалар маскани, жаннатмонанд табиат, серқуёш иқлимли Ўзбекистон сайёҳлик тизимини ривожлантиришда ниҳоятда катта имкониятларга эга. Асрлар давомида турли дин ва миллат вакиллари яшаб келаётган, турфа маданиятлар қоришиб, умуминсоний қадриятлар бешигига айланган ушбу ўлкани Марказий Осиё жавоҳири деб аташ мумкин.



Шу боис мамлакатимизга дунё аҳли ҳайрат ва ҳавас билан қарайди. Бу сеҳрли диёрга интилади, умрида бир бор бўлса-да кўришни истайди. Айни пайтда бу юртимиз иқтисодиёти учун кони фойда. Дунёнинг турли минтақаларидан сайёҳлар билан бирга маблағлар, инновацион ғоялар ҳам "оқиб келади". Ушбу жиҳатлар ҳисобга олиниб, юртимизда туризмни янада ривожлантириш иқтисодиёт драйвери сифатида қабул қилинди.

Президент Шавкат Мирзиёев Марғилон шаҳридаги "Олтин ипак карвонсаройи" туристик марказини кўздан кечиргани мазкур тармоқнинг мамлакатимиз тараққиётидаги ўрнини ойдинлаштиради.

Марказ миллий менталитетимизга мос безатилган бўлиб, бу ерда қадим ўзбек хонадонларидаги муҳит уфуриб турибди. Мажмуанинг биринчи қаватида гиламдўзлик, каштачилик, мискарлик каби халқ ҳунармандчилиги хоналари жойлашган. Уларда сайёҳлар миллий маҳсулотларимизнинг тайёрланиш жараёнини яқиндан кўриши, усталар билан дилдан суҳбатлашиб, ҳунармандчилик сир-асрорлари билан танишиши, ўзлари ёқтирган нарса-буюмларни харид қилиши мумкин. Иккинчи қаватда жами 30 ўринли қадимий услубдаги карвонсарой ташкил этилган. Истиқболда мажмуа бир йилда 10 мингдан ортиқ сайёҳларга хизмат кўрсатиши мўлжалланган.

Президентимиз бу ердаги усталар билан суҳбатлашиб, уларнинг миллий ҳунарларни мактабларда ўргатиш таклифини қўллаб-қувватлади. Мутасаддиларга туризм салоҳиятини ошириш, уни тарғиб этишда кино санъатидан оқилона фойдаланиш бўйича тавсиялар берилди.

Ўтган йили Марғилонга "Жаҳон ипак ва икат ҳунармандлари шаҳри" мақоми берилган эди. Ушбу карвонсаройга келган киши борки, бу бежиз эмаслигини теран англайди.

Хуллас, ҳудудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш борасидаги кенг кўламли саъй-ҳаракатлар Фарғона вилоятида ҳам ўз самарасини бермоқда.

Президент Шавкат Мирзиёев ўтган йилнинг 12-13 май кунлари Фарғона вилоятига ташрифи чоғида қишлоқ хўжалиги, тўқимачилик ва бошқа тармоқлардаги корхоналар фаолияти билан танишиб, вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича тегишли топшириқлар берган эди. Мазкур вазифалар ижросини таъминлаш борасида ўтган вақтда салмоқли ишлар бажарилди. 2022 йилда вилоятда ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми 56 триллион сўмни ташкил этди.

Фарғона тадбиркорлик муҳити ривожланаётган ҳудуд сифатида эътирофга лойиқ. Йилдан-йилга ишнинг кўзини биладиган тадбиркорлар сафи тобора кенгайиб, улар янги лойиҳаларни амалга ошириб келмоқда. Биргина ўтган йилда 8 828 та янги кичик бизнес субъекти ташкил этилиб, ушбу соҳага 12,1 триллион сўм кредит маблағлари йўналтирилди. Жумладан, "Ҳар бир оила — тадбиркор" дастури доирасида бугунги кунга қадар 42 минг 595 нафар аҳолига жами 954 миллиард сўм кредит маблағлари ажратилди.

Аҳоли бандлигини таъминлаш йўналишидаги чора-тадбирлар натижасида 559,3 мингта янги иш ўрни яратилди. Савдо, сервис ва тадбиркорлик, ҳунармандчилик, қурилиш, инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш, қишлоқ хўжалиги, туризмда кўплаб аҳоли бандлиги таъминланди.

Ўтган йили "Обод қишлоқ", "Обод маҳалла" дастурлари доирасида 38 та маҳаллада 427,8 миллиард сўмлик ишлар бажарилди. Жорий йилда режалар, мақсадлар янада улкан. Фарғоналиклар бугунги кунда ғайрат-шижоат билан меҳнат қилиб, юрт тараққиётига ўз ҳиссаларини қўшмоқда.

Асосийси, қуйи бўғинга тушиб ишлаш натижасида муаммолар ўз ечимини топмоқда. Одамлар бандлиги таъминланяпти, даромади яхшиланмоқда. Мазкур ислоҳотлар замирида инсон қадри, аҳоли фаровонлигини таъминлашдек эзгу мақсад мужассам.

Президентимизнинг водийга ташрифининг учинчи манзили — Наманган вилояти бўлди. Ҳар бир вилоятнинг ўзига хос қиёфаси бўлганидек, Наманган аҳли деганда, "йўқни дўндирадиган", дўппидек жойдан ҳам самарали фойдаланиб, катта даромад топадиган, савдо-сотиқда уддабурон кишилар тушунилади. Мамлакатимиз етакчиси ҳам Наманганни тадбиркорлар юрти, кичик бизнес маркази, деб атади. Ҳозирда вилоят жадал иқтисодий ўсишни намоён қиляпти. Кичик ва ўрта бизнес ҳажмининг ўсиши бўйича мамлакатимизда олдинги сафларда. Давлатимиз раҳбарининг навбатдаги ташрифи ҳам Намангандаги юртдошларимиз ҳаётини янада яхшилаш, бандликни таъминлаш, хусусий бизнесга имкониятларни ошириш борасида янги имкониятларни очиб берди.

Азалдан "гуллар шаҳри" дея таъриф берилган Наманганни бугун ҳеч иккиланмасдан йирик саноат макони деб айтиш мумкин. Сўнгги беш йилда Наманган вилоятида корхоналар сони 15 мингтага кўпайиб, 32 мингтадан ошди. Шу даврда хусусий бизнес ишлаб чиқарган маҳсулотлар ҳажми 1,6 баравар ўсиб, 8,3 триллион сўмга етди. Бу республика бўйича энг юқори суръатлардир. Ваҳоланки, олти йил аввал дотацияда юрган вилоят бугунги кунда мустаҳкам даромадга эга бўлди, замонавий саноат ва кучли тадбиркорлар шаклланди. Бу ҳам бўлса, Президентимизнинг тадбиркорларга бераётган эътибори, уларга кўрсатаётган кўмаги ва бюрократик тўсиқларнинг олиб ташланганини билан боғлиқ.

Наманган шаҳрида вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш режалари муҳокамаси юзасидан ўтказилган очиқ мулоқотда ҳам, аввало, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш масаласига эътибор қаратилди. Негаки, бу йил қишдаги совуқ оқибатида юртимиздаги 3 мингта ҳудудий саноат корхонасида ишлаб чиқариш пасайган. Яна кўплаб тадбиркорларнинг солиқ қарздорлиги ошган бир шароитда давлатимиз раҳбари иқтисодиётда йўқотишлар ўрнини қоплаш ва бизнесни қўллаб-қувватлаш учун алоҳида қарор имзолаганини айтди. Унга кўра совуқдан қийинчилик кўрган тадбиркорларга кредит, солиқ, божхона ва бошқа тўловлар бўйича енгилликлар берилади. Жумладан, 2 минг нафар кичик ва ўрта тадбиркорнинг январь — мартда муддати келадиган кредит тўловлари 1 июнга қадар узайтирилади. 29 мингта тадбиркорга солиқ қарзини 1 июлга қадар фоизсиз, қўшимча гаровсиз ва пенясиз бўлиб-бўлиб тўлаш имконияти берилади. Қуввати пасайган 545 та саноат корхонасига ишлаб чиқаришни тиклаш ва айланма маблағ учун 8 триллион сўм кредит ажратилади. Давлат мулки хариди ва ижараси бўйича тўловлар бўйича ҳам енгилликлар берилади. Ишлаб чиқариш биноларининг ҳар бир юқори қавати учун тадбиркорларга мол-мулк солиғидан 10 фоиздан чегирма жорий этилади.

Тадбиркорларга берилаётган бундай енгилликлар халқимизнинг йиқилганни суяш, эҳтиёжмандга ёрдам қўлини чўзиш, бағрикенглик фазилатлари бардавомлиги нишонаси бўлди. Бу имкониятлар тадбиркорлар томонидан хурсандчилик билан қабул қилинди.

Наманган иқтисодиётини ривожлантириш ҳисобига, бу йил 500 мингга яқин аҳоли бандлигини таъминлаш мақсади қўйилган. Демак, бу режаларни тадбиркорларга таяниб, амалга ошириш мумкинлиги назарда тутилса, уларнинг қувончини тушуниш мумкин. Бунинг учун вилоятда оилавий тадбиркорлик йўналишига бу йил 950 миллиард сўм ёки 2 баравар кўп имтиёзли кредитлар ажратилади. Махсус тўқимачилик зонаси ташкил этилади ҳамда 15 та саноат зонаси инфратузилмасига 75 миллиард сўм йўналтирилади. Шунингдек, ҳар бир туманда камида иккитадан микромарказ ўз фаолиятини бошлайди.

Табиийки, режаларнинг амалга ошиши инфратузилмага, уларни энергия билан таъминлаш самарадорлигига ҳам боғлиқ. Шунинг учун Президентимиз томонидан Энергетика вазирлигига тадбиркорларнинг энергия таъминотини кунлик назоратга олиб, изчил етказиб бериш вазифаси қўйилди.

Таъкидлаш жоизки, Наманган вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга қаратилган саъй-ҳаракатлар натижасида ўтган йил якуни билан ялпи ҳудудий маҳсулот 41,1 триллион сўмни ташкил этиб, 6,6 фоизга ўсиши таъминланди. Жумладан, 18,2 триллион сўм саноат ва 27,7 триллион сўм қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарилиб, 14,7 триллион сўмлик хизматлар кўрсатилган. Пудрат ишлари 6,8 триллион сўм ҳамда чакана савдо айланмаси 19,7 триллион сўмга етди. Ушбу мақсадли кўрсаткичларга эришишда 4 минг 108 та янги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъекти ташкил қилинди.

Вилоятда ишбилармонлик муҳитини ривожлантириш мақсадида аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига 6,1 триллион сўм кредит маблағлари ажратилди. Шундан,



аҳолини бизнесга жалб этиш учун оилавий тадбиркорлик дастурлари доирасида 20 минг 174 кишига 470 миллиард сўм кредит йўналтирилгани туфайли 22 минг 132 та иш ўрни яратилди. Бу борада "Наманган тажрибаси" сифатида шаҳар ва туманларда очилган 72 та янги кичик саноат зонаси муҳим аҳамият касб этди. Бугунги кунга қадар ушбу саноат ҳудудларида умумий қиймати 4 триллион сўмлик 619 та лойиҳа фаолият бошлаб, 34 минг нафардан зиёд кишилар ишли бўлди.

Аҳолига деҳқончилик учун тарқатиладиган 9,5 минг гектар ерда бозорбоп озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш, хотин-қизларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, ёшлар бандлигини таъминлаш чора-тадбирлари бўйича кўрсатмалар берилди.

Давлатимиз раҳбари ҳар доим маҳсулот чиқаришдан олдин бозорини топиш, жаҳон брендларини олиб келиш зарурлигини таъкидлайди. Хорижий инвесторлар учун яратилаётган қулай ишбилармонлик муҳити натижасида Наманган вилоятида "Waikiki", "Baldessarini", "ZARA" каби брендлар остида кийимлар ишлаб чиқарилмоқда. Яқинда очилган "Fazman tekstil"да ҳам айни жиҳатга алоҳида эътибор берилди.

Корхона Германиянинг дунёга машҳур "Digel" ва "Carl Gross" брендлари билан ҳамкорлик ўрнатди. Бу ерга Германия ва Туркиядан замонавий ускуналар олиб келинди. Йилига 1 миллион дона костюм-шим ишлаб чиқариш қувватига эга корхонада мингга яқин ишчилар бандлиги таъминланган.

Корхонада тайёрланаётган маҳсулотлар сифати, бежиримлиги қатъий назоратда. Зеро, улар "Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган" ёрлиғи остида дунё бозорларига кириб боради. Шу орқали мамлакатимиз саноати, халқимиз салоҳияти ҳақида хабар беради.

Корхонада "Устоз — шогирд" анъаналари асосида ёш мутахассислар тайёрланмоқда. Бу ерда фаолият юритаётган ўқув маркази ушбу касбнинг этагидан тутган ёш ходимларни тарбиялашда асқатяпти.

Президент Шавкат Мирзиёев Наманган шаҳрида "Баркамол авлод" кичик саноат ва тадбиркорлик зонасида бўлиб, бу ерда ҳаётга татбиқ этилган тадбиркорлик лойиҳалари билан танишди.

Таъкидлаш жоизки, шаҳарда мазкур кичик саноат ва тадбиркорлик зонасининг очилиши ишбилармонлар, ҳунармандларнинг кўнглидаги иш бўлди. Чунки уларнинг аксарияти шу вақтга қадар уй шароитида ишлашар, етарли шароит бўлмагани ва имкониятлари чеклангани боис ўз салоҳиятларини тўла намоён эта олмас эди. Шу боис Баркамол авлод маҳалласи ёнидаги 10 гектар ҳудудда зарур инфратузилмага эга яхлит мажмуа барпо этилди. Бу ерга 46 та лойиҳа жойлаштирилган. Уларнинг 18 тасида ишлар якунланиб, корхоналар фаолиятини бошлаб юборди, 2 мингдан ортиқ иш ўринлари очилди.

Кичик саноат ва тадбиркорлик зонасида тайёр кийим-кечак, чарм-пойабзал, қурилиш материаллари, мебель, қоғоз, озиқ-овқат ва кимё маҳсулотлари ишлаб чиқарилади. Мазкур лойиҳадан, айниқса, Баркамол авлод, Яккатут, Янгиҳаёт, Обжувоз, Лола, Чаман маҳаллаларида яшовчи аҳоли жуда хурсанд. Чунки бу ерда ишлаб чиқариш қанчалик ортса, шунча кўп иш ўринлари яратилади. Одамларнинг даромади ошади, орзу-мақсадлари рўёби учун янги йўллар очилади. Мажмуада ишчилар учун қулай шароитлар яратилган. Хусусан, шу ернинг ўзида очилган мактабгача таълим муассасаси уларнинг фарзандларидан кўнглини тўқ қилади.

Давлатимиз раҳбари халқаро саммитларда ҳам, вилоятларга ташрифлари чоғида ҳам ёшлар масаласига алоҳида аҳамият қаратади. Давлатобод туманида жойлашган "Янги Ўзбекистон ёшлар зиё маскани" кутубхонасини бориб кўргани ҳам бежиз эмас. Бу мажмуа 2021 йилда фойдаланишга топширилган эди. Бугунги кунда 70 мингта китоб фондига эга. Кутубхонанинг нафақат қиёфаси, балки иш юритиш тизими ҳам замонавий. У жаҳондаги йирик электрон кутубхоналар тармоғига улангани боис фойдаланувчиларга кенг имкониятлар яратади. Улар хорижий адабиётлардан ҳам эркин ва бепул фойдаланишлари мумкин. Ташриф буюрувчилар махсус ID-карта олади. Барча жараён электрон тарзда бажарилади.

Зиё масканида барча ижтимоий мезонлар ҳисобга олинган. Хусусан, биринчи қаватда 12 ёшгача бўлган болалар ҳамда кўзи ожиз инсонларга мўлжалланган алоҳида ўқиш зали ташкил этилган. Кичкинтойларнинг ижодий тасаввурларини бойитадиган жиҳозлар қўйилган. Иккинчи ва учинчи қаватларда умумий ўқув заллари, ертўлада архив жойлашган. Шунингдек, зиё масканида ёшлар ахборот технологияларини ўрганиши мумкин.

Давлатимиз раҳбари шу ерда наманганлик ёшлар билан мулоқот қилди.

Наманган — буюк алломалар, маърифатпарвар олимлар, уста тадбиркорлар юрти. Бугун ҳам ёшлар улуғ аждодларидан фахрланиб, уларга муносиб бўлишга ҳаракат қилмоқда. Иқтисодиёт, санъат, спорт соҳаларида катта ютуқларга эришмоқда. Вилоятда йигит-қизлар учун кўп дастурлар амалга оширилмоқда. Ўтган йили уюшмаган ёшлар ўртасида тадбиркорликни ривожлантириш учун 140 миллиард сўм маблағ берилиб, 6 мингдан зиёд ёшлар ўз йўлини топди. Шунингдек, 2,5 минг гектар экин майдонларини ажратиш натижасида 20 минг ёшнинг бандлиги таъминланди. Шароити оғир қарийб 5 минг ёшга шартнома пуллари тўлаб берилди.

Мулоқотда бу имкониятларни давом эттиришга қаратилган лойиҳалар ва ташаббуслар ҳақида сўз борди. Президент мактабларда иккита хорижий тил ва битта касб ўрганиш талаби қўйилаётганини таъкидладики, бу келажакда Ўзбекистон ёшларининг ҳеч кимдан кам бўлмаслигини кафолатлайди. Шу боис битирувчиларни иш билан таъминлаш ва касб-ҳунарга ўргатишга қаратилган "Ҳаёт мактаби" дастури амалга оширилади. Бу борада Наманган вилояти тажрибаси яратилади.

Мухтасар айтганда, давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг ҳудудларга ташрифи, аввало, халқимиз фаровонлиги ва турмуш даражасини юксалтириш, шаҳар ва туманларнинг мавжуд ресурс ва имкониятларидан самарали фойдаланиш орқали иқтисодиёт ҳамда инфратузилмани ривожлантириш, инсон қадрини улуғлашда муҳим аҳамият касб этади.

Президентимиз Андижон, Фарғона ва Наманган вилоятларига ташрифи чоғида кўплаб истиқболли лойиҳалар билан танишиб, олиб борилаётган қурилиш-бунёдкорлик ишлари кўламини кенгайтириш, тадбиркорлик, саноат, қишлоқ хўжалиги, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаларини жадал ривожлантириш, аҳоли учун муносиб яшаш шароитини яратиш юзасидан муҳим вазифаларни белгилаб берди. Мазкур топшириқлар асосида ишлаб чиқиладиган дастур ва режалар ижроси доирасида амалга оширилган ишлар натижасида водий вилоятлари саноат, тадбиркорлик, таълим ва маданият соҳаларида ўз ўрнини янада мустаҳкамлашига шубҳа йўқ.

**Конгратбай ШАРИПОВ,**
**Тошкент давлат иқтисодиёт университети ректори, техника фанлари доктори, профессор.**

РЕКЛАМА

# QIZIQISH BILDIRISH UCHUN SO‘ROV

## (KONSALTING XIZMATLARI FIRMALARINI TANLASH)

**Nashr qilingan sana — 2023-yil 8-fevral.**

**Mamlakat:** O‘zbekiston Respublikasi.

**Loyiha nomi:** "M39" avtomagistralini rekonstruksiya va modernizatsiya qilish 1255 — 1315 km.

**Sektor nomi:** transport.

**Konsalting xizmatlari**: loyihani batafsil tahlil etish va qurilishni nazorat qilish bo‘yicha maslahatchi.

**Moliyalashtirish usuli:** qismlarga bo‘lib sotish.

**Moliyalashtirish raqami:** UZB-0086.

O‘zbekiston Respublikasi "M39", 1255 — 1315 km. avtomobil yo‘llarini rekonstruksiya va modernizatsiya qilish xarajatlarini qoplash maqsadida mablag‘ olish uchun Islom taraqqiyot bankiga ariza berdi va mablag‘larning bir qismini maslahat xizmatlariga yo‘naltirmoqchi.

Xizmatlar loyihani batafsil ko‘rib chiqishni va yuqorida aytib o‘tilgan loyiha uchun qurilishni nazorat qilishni o‘z ichiga oladi. Bu uchta qurilish shartnomasi doirasida amalga oshiriladi, har bir lot uchun 36 oylik qurilish muddati, nuqsonlar uchun javobgarlik davri (DLP) uchun 24 oy. Maslahatchi pudratchilarni safarbar qilishdan o‘n ikki oy oldin ishga kelishi kutilmoqda (loyihani batafsil ko‘rib chiqish/yo‘l harakati xavfsizligi auditi — 6 oy va IA hamda GRP uchun xaridlarni qo‘llab-quvvatlash — 6 oy). Maslahatchining umumiy ishtirok etish vaqti/shartnoma muddati 72 oyni tashkil etishi taxmin qilinmoqda. Maslahatchi nuqsonlarni bartaraf etish davri (DLP) uchun kerakli xodimlarni jalb qilish muddatini hisoblab chiqishi va taklif etishi lozim.

Maslahat xizmatlari quyidagilarni o‘z ichiga oladi, lekin ular bilan cheklanmaydi, qurilish bo‘yicha tender hujjatlarini tayyorlashda yordam berish va baholash jarayonida yordam ko‘rsatish, harakatni tortish tizimlarini sotib olishda ko‘mak berish, loyihaning batafsil dizaynini ko‘rib chiqish va yakuniy versiyasini tekshirish. Qurilish rasmlari (IFC), shartnomalar bo‘yicha barcha qurilish ishlarini nazorat qilish va sertifikatlash, qurilish ishlari bo‘yicha shartnomalar, yo‘l harakati xavfsizligi auditi, to‘lovlarni monitoring qilish va loyihani baholash bo‘yicha yordam va treninglar, baholash uchun mijozning salohiyatini oshirishga yordam berish, xavfsizlik va profilaktika choralari (ESHS) — xalqaro va milliy siyosat hamda protseduralar doirasida, yo‘llarni saqlash bo‘yicha bilimlarni uzatish, pullik yo‘llarni qo‘llash va rivojlantirish. Topshiriqning kutilayotgan boshlanish sanasi 2023-yilning 3-choragi bo‘lib, bu qiziqish bildirish uchun berilgan so‘rovga (REOI) ilova qilingan TKning to‘liq muvofiqligini ta’minlaydi.

Topshiriqni bajarish uchun batafsil texnik topshiriq (TK) qiziqish bildirish uchun ushbu so‘rovga ilova qilinadi.

O‘zbekiston Respublikasi avtomobil yo‘llari qo‘mitasi huzuridagi "Avtoyo‘linvest" agentligi ijro etuvchi tashkilot sifatida xizmatlar ko‘rsatishga o‘z qiziqishini bildirish uchun tegishli konsalting firmalarini (maslahatchilar) taklif etadi. Manfaatdor maslahatchilar xizmatlarni taqdim etish uchun to‘liq malakaga ega ekanliklarini ko‘rsatadigan aniq ma’lumotlarni taqdim etishlari kerak (risolalar, shunga o‘xshash topshiriqlarning tavsifi, shu kabi sharoitlarda ishlash tajribasi, xodimlar o‘rtasida tegishli ko‘nikmalarga ega bo‘lish va boshqalar).

Tanlov mezonlari quyidagilar:

1. Texnik kompetensiya — (so‘nggi 10 yil ichida ushbu turdagi loyihalarda ishlash tajribasi), shu jumladan:

- yo‘l sohasida loyiha va tender hujjatlarini ishlab chiqish tajribasi;
- yo‘l-qurilishi sohasida shartnomalarni boshqarish va qurilishni nazorat qilish tajribasi;
- FIDIC CoC (FIDIC Red Book CoC) qizil kitobi shartlari asosida qattiq qoplamali (sement-beton qoplamali) avtomobil yo‘llarining loyiha boshqaruvi va qurilishini nazorat qilish.

2. So‘nggi 10 yil ichida loyihalarni boshqarish va texnik nazorat bo‘yicha XMI/xorijiy davlat moliya tashkilotlarida ish tajribasi.

3. Geografik vakolat: so‘nggi 10 yil ichida mamlakat yoki mintaqada (MDH) yo‘l-qurilish sohasida ishlash tajribasi.

Manfaatdor maslahatchilarning e’tibori 1.23 va 1.24-bandlarga qaratiladi. Islom taraqqiyot bankining loyihani moliyalashtirish bo‘yicha maslahat xizmatlarini sotib olish bo‘yicha qo‘llanmasida ko‘rsatilgan (xaridlar bo‘yicha qo‘llanma), bu bankning rasmiy veb-saytida mavjud bo‘lgan manfaatlar to‘qnashuvi bo‘yicha ITB siyosatini belgilaydi https://www.isdb.org/project-procurement/documents

Maslahatchilar o‘z malakalarini oshirish uchun boshqa firmalar bilan birlashishlari mumkin, ammo assotsiatsiya qo‘shma korxona va/yoki sub-konsalting shakli ekanligini aniq ko‘rsatishi kerak. Qo‘shma korxona bo‘lgan taqdirda qo‘shma korxona tarkibidagi barcha sheriklar agar ular tanlangan bo‘lsa, butun shartnoma bo‘yicha birgalikda javobgar bo‘ladilar.

Maslahatchi QCBS-MC usuli bo‘yicha tanlanadi, ITBga a’zo davlatlardagi firmalarining qisqa ro‘yxati xaridlar bo‘yicha qo‘llanmada keltirilgan.

Manfaatdor maslahatchilar qo‘shimcha ma’lumotni quyidagi manzilda soat 09:00 dan 18:00 gacha (Toshkent vaqti bilan) ish vaqtida olishlari mumkin.

Qiziqish ifodalari 2023-yil 1-martgacha quyidagi manzilga (shaxsan yoki pochta orqali (masalan, DHL) yoki elektron pochta orqali) yozma ravishda yetkazilishi kerak.

**"Avtoyo‘linvest" agentligi**
**O‘zbekiston, 100000, Toshkent shahri Mustaqillik ko‘chasi 68-uy, 609-xona, 6-qavat.**
**Diqqat: Zufar Ismatullaev, "Avtoyo‘linvest" agentligi direktori.**
**Tel.: 71-237-03-94**
**Faks: 71-268-90-41**
**Elektron pochta: piuisdb60km@gmail.com**
**Rasmiy veb-sahifa: www.uzavtoyul.uz**



**Бундан беш аср муқаддам ҳазрат Алишер Навоий: «Турк назмида чу мен тортиб алам, Айладим ул мамлакатни яккалам», деб ёзган эди. Яъни, ул зот она тили байроғини баланд кўтариб, бутун эл-улусни, юртларни шу байроқ остида бирлаштирдим, деб ифтихор қилган.**

**Шавкат МИРЗИЁЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти**




## Барҳаёт сатрлар

# АЛИШЕР

**Абдулла ОРИПОВ,**
**Ўзбекистон Қаҳрамони,**
**халқ шоири.**

*Жаҳонки муқаддас нени кўрибди, —*
*Барига онасан, эй қодир ҳаёт.*
*Беш юз йил наридан боқиб турибди,*
*Нурли бу юзларга нуроний бир зот.*

*Шу буюк ўғлингни ардоқлаб дилдан, —*
*Халқим, таъзим этсанг арзигай тамом.*
*Унинг номи билан бирга битилган*
*Дунё дафтарига ўзбек деган ном.*

*Бойқаро ирғишлаб истак отида*
*Жаҳонга боққанда мисли бола шер, —*
*Ҳирот дарвозасин бир қанотида*
*Шеърий лашкарини тизган Алишер.*

*Дунёда бирор ном қолдирмоқ учун*
*Юрт бузиш шарт эмас, деган гап-ку, рост.*
*Кимдир пеш қилганда найзанинг кучин,*
*Алишер қаламни кўрсатган, холос.*

*Тун билан тонг эрур ташбиҳга удум,*
*Мисоли заҳру май, ҳажру шакар лаб.*
*Кимнидир қуёшдай эсласа мардум,*
*Кимнидир зулматдай юрарлар қарғаб.*

*Нидо тингла, бу кун, юртинг тарафдан,*
*Эй, йироқ Ҳиротда маскан топган эр!*
*Огоҳ бўл, Алишер, сен ушбу гапдан:*
*Ҳар икки набиранг бири — Алишер.*

*Байтингга бир бора қовушган ҳар лаб,*
*Такрорлаб кетгуси маҳшаргача то.*
*Қаратиб турибсан бу ён, не ажаб,*
*Миллиард мартабали жаҳонни ҳатто.*

*Бировлар наздида жоҳил Осиё*
*Фақат завол кўриб, кўрмаган камол.*
*Мусо илтижоси етди-ю гўё,*
*Ҳақ Тур тоғи узра кўргазди жамол —*

*Жаҳон меҳробида пайдо Алишер...*
*Шодмон қасида айт сен ҳам, эй қуёш!*
*Беш юз йил унга ҳам нима гап ахир,*
*Мингга қадам қўйди йигирма беш ёш.*

## Тадқиқ

# УЛУҒ ШОИРНИНГ ҲИНДИСТОНЛИК УСТОЗИ

*Алишер Навоий ўз асарларида бир қатор Шарқ алломалари, мутафаккирлари, шоиру фозилларнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида қимматли маълумотлар ёзиб қолдирган. Жумладан, "Фарҳод ва Ширин" достонида келтирилган қуйидаги тўртлик бугун ҳам кўплаб навоийшуносларни қизиқтириб келади:*

*Агар булбул десанг, Ҳиндустон — тун,*
*Қаро зулмат дема, анбарфишон тун.*
*Бу андоқ тун аро шабхез булбул,*
*Шабистон ичра шўрангез булбул.*

Мисралар маъноси шундай: Ҳиндистон — мушки анбар ҳидларини таратиб турувчи хушбўй тун, уни қаро зулмат деб атаб бўлмаслигининг сабаби бағрида сайраётган хушнаво булбулдир.

Хўш, улуғ мутафаккир "Ҳиндистон булбули" дея кимга таъриф берган? Бу, шубҳасиз, доим ўзига устоз санаган Хусрав Деҳлавийдир.

Алишер Навоий тарихда Низомий Ганжавийдан сўнг "Хамса" яратган Хусрав Деҳлавий ижодига кўплаб асарларида юксак баҳо беради, уни "назм бешасининг ғазанфари, дарду ишқ оташкадасининг самандари ва завқу ҳол водисининг покрави" деб атайди. Ўз "Хамса"сида Хусрав Деҳлавий номини Низомий билан ёнма-ён зикр этади. Масалан, "Ҳайрат ул-аброр"да ўқиймиз:

*Ҳиндуви чобуқ демаким, ройи ҳинд,*
*Килки учи мамлакаторойи ҳинд.*
*Назми саводи аро ҳар достон,*
*Уйлаки, бир кишвари Ҳиндустон.*

(Уни ҳинд чавандози атаб бўлмайди, уни ҳинд рожаси деб аташ керак. Унинг қалами учи ҳинд мамлакатининг кўркидир. Шеъриятидаги ҳар бир достон Ҳиндистоннинг бир вилояти — кишварига тенгдир).

Ҳазрат Навоий ғазалнавислик соҳасида оламшумул ютуқларни қўлга киритишда Хусрав Деҳлавий тажрибалари илҳомбахш таъсир қилганини эътироф этади. Қитъаларидан бирида Деҳлавийни ғазал бобида энг буюк устозлари Ҳофиз Шерозий ва Абдураҳмон Жомий қаторида санаб ўтади:

*Ғазалда уч киши тавридур ул навъ,*
*Ким андин яхши йўқ назм эҳтимоли...*
*Бири Муъжиз баёнлиқ соҳири ҳинд,*
*Ки ишқ аҳлини ўртар сўзу ҳоли.*

Хусрав Деҳлавий ҳақидаги бундай юксак баҳо ва эътирофлар юртдошларимизни ҳам жуда хурсанд қилади. Зеро, ушбу буюк шоирнинг ота-боболари асли шаҳрисабзлик бўлган. Алишер Навоий таъбири билан айтганда, *"Отаси Лочин қабиласининг улуғларидин эрмиш. Балх навоҳисида ҳамоноки, они Ҳиндустонда машҳурдурки, турк дерлар"*.

**Рустам ЖАББОРОВ,**
**филология фанлари бўйича фалсафа доктори.**

## Бир ғазал шарҳи

# «ТОМЧИДЕК АШКИМ ЭМАС КЎНГЛУМ ЎТИ ДАФЪИ УЧУН...»

*Ноз ўқи бирла кўзум мардумин этдинг мажруҳ,*
*Ашки гулгун дема захмидин анинг қон томадур.*

*Ваҳ, ярам ичра не қондур буки, девона кўнгул*
*Топса таскин турадур, айласа афғон томадур.*

*Гўйиё фитна саҳобидин эрур сели бало,*
*Рахшидин қатраки, жавлон аро ҳар ён томадур.*

*Томчидек ашким эмас кўнглум ўти дафъи учун,*
*Бал бадан кулбасини қилғали вайрон томадур.*

*Ваҳки, гул шамъин ўчурмаклик учундур гар худ*
*Қатра ўрниға булутдин дури ғалтон томадур.*

*Лаъли васфида Навоий сўзидин обиҳаёт*
*Қилса пайдо, оқадур, айласа пинҳон, томадур.*

**НАСРИЙ БАЁН:**

1. Элга жон берса ҳам, унинг лабидан қон рангидаги шароб томади, ваҳ, қон томади дема, балки ундан чучук жон томади.
2. Ноз ўқи билан кўзимнинг мардумини жароҳатладинг, уни қизил кўз ёш дема, балки унинг ярасидан қон томади.
3. Ваҳ, ярамнинг ичида қандай қон бўлдики, девона кўнглим таскин топса, туради, афғон қилса, томчилайди.
4. Гўё фитна булутидан бало сели ёғилгандек жавлон урар-кан, уловидан қатралар ҳар томонга томади.
5. Томчи каби кўзёшим кўнглим оловини даф қилиш учун эмас, балки вужудим кулбасини вайрон қилиш учун томади.
6. Эвоҳ, гул шамъини ўчирмоқ учун бўлса керакки, булутдан қатра ўрнига юмалоқ дур ёғилади.
7. Лаълининг васфини аён қилса, Навоийнинг сўзидан обиҳаёт оқади, яширса, томчилайди.

Мавлоно Абдураҳмон Жомийнинг "Фотиҳат уш-шабоб" девонида қуйидаги матлаъ билан бошланадиган бир ғазал бор:

*Ашкам аз дида чу он бе рухи гулгун бичакид,*
*Лолаҳо бардамад аз хок, в-аз он хун бичакид.*

(Маъноси: Ўшал гулгун юзсиз кўз(им)дан кўз ёшларим томаркан, ўша қон томган тупроқдан лолалар униб чиқади.)

Кўриниб турибдики, бу ғазалнинг вазни ва қўлланилган радифи Алишер Навоийнинг юқоридаги ғазали билан бир хил. Ушбу икки ғазалнинг қайси бири олдинроқ яратилгани маълум эмас. Энг муҳими — айни шу радиф, вазн ва тимсоллар тизими билан икки замондош ва забардаст шоир томонидан яратилган бир-биридан гўзал ушбу лирик асарлар устоз ва шогирднинг ижодий ҳамкорлигидан далолат берадики, бундай ҳолатлар келажакда ҳазрат Навоий ва Жомий лирикасини ялпи қиёсий ўрганишни тақозо қилади.

Жомийда ҳам, Алишер Навоийда ҳам радиф байтларнинг мантиқий меҳварига айланиб, барча маънолар радиф сўзининг янги-янги бадиий қирраларини очиб беришга хизмат қилган.

Жомийнинг ғазалида, асосан, ҳижронда қолган ошиқнинг азоб ва қийноқлари тасвирга олинган бўлса, Алишер Навоийда ошиқнинг муҳаббати ва маҳбубанинг ҳусну малоҳати биргаликда васф этилади. Жомий қўллаган радиф фақат ўтган замонга оид ҳаракатлар ифодаси бўлса, Алишер Навоий ғазалидаги *томадур* радифи ҳам ўтган замон, ҳам ҳозирги замоннинг ҳаракатларига оиддир. Томадур (томчилаб оқди ва томмоқда) сўзи форсий *бичакид (томчилаб оқди)*дан кўра маъно жилолари кўпроқ бўлгани сабабли ғазалга бошқача руҳ бағишлаган. Жумладан, матлаъдаги радифни ҳам ўтган замон феъли ва ҳам ҳозирги замон феъли сифатида талқин қилиш мумкин:

*Жон берур элга агарчи лабидин қон томадур,*
*Ваҳ, дема қон томадур, балки чучук жон томадур.*

Иккинчи байтда раддул-қофия санъатининг намунасини учратамиз. Матлаъда қўлланилган *қон* сўзи иккинчи байтда қофиядошликни таъминлаш баробарида бошқа поэтик вазифани бажаради. Матлаъда ёрнинг лабидан оқаётган қон қизил шароб томчисининг истиораси бўлса, иккинчи байтда ошиқнинг ярасидан оқаётган қон ҳақида сўз юритилади:

*Ноз ўқи бирла кўзум мардумин этдинг мажруҳ,*
*Ашки гулгун дема захмидин анинг қон томадур.*

Ғазалда уч марта нидо санъати қўлланилиб, *ваҳ* сўзи уч байтда келтирилади. Биринчи марта (биринчи байтда) *ваҳ* сўзи таажжуб ва ҳайратни, иккинчи марта (учинчи байтда) дард ва изтиробни, учинчи марта эса (олтинчи байтда) таассуф ва надоматни ифодалашга хизмат қилган. Бу ҳам шоирнинг биргина ёрдамчи сўз билан турли оҳанг жилосини ҳосил қилиш йўлидаги тенгсиз маҳоратидан далолат беради.

**Олимжон ДАВЛАТОВ,**
**Алишер Навоий номидаги халқаро жамоат фонди ижрочи директори, филология фанлари бўйича фалсафа доктори.**

## Эътироф

# Дунё маданиятининг мумтоз вакили

*Алишер Навоий ҳам туркий, ҳам форс тилида ижод қилган, она тилининг жозиб имкониятларини, латофатини кўрсатиб беролган ҳассос шоирдир. Ҳазрат Навоийнинг улуғлиги шундаки, у сўзнинг қадрига етган, унинг бетимсол қудратини намоён эта олган. Шу боис бу зот нафақат туркий халқларнинг буюк шоири, балки Шарқу Ғарбда "Сўз мулкининг султони" дея эътироф этилади.*

Алишер Навоий дунё маданиятининг мумтоз вакилларидан биридир. Унинг асарлари жаҳондаги юзлаб тилларга таржима қилинди. Дунё аҳли унинг мероси билан қизиқмоқда, асарларида тараннум этилган олийжаноб ғоялар ва фалсафий мушоҳадаларидан завқ олмоқда.



Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.

Мен Ўзбекистонда 2020 йилда, пандемия бошланишидан сал аввалроқ бўлдим. Бу юртда кўрган-кечирганларим, адабиёт, хусусан, Алишер Навоий ижоди билан яқиндан танишганим "Янги девон" шеърлар тўпламини ёзишга илҳомлантирди. Не бахтки, улуғ шоир ғазаллари сурури бугун ҳам қалбимни, руҳимни ёритиб турибди.

Биласиз, ҳазрат Навоий асарлари инглиз тилига кам таржима қилинган. Шу боис унинг ғазалларини мутахассислар билан бирга инглиз тилига ўгиришга киришдик. Натижада "Алишер Навоийнинг 12 та ғазали" китоби чоп этилди. Бундан ташқари, Чўлпон, Нодира ва Увайсий шеърларини инглиз тилига ўгирдик. Ҳозирги кунда Анбар Отин, қорақалпоқ шоирлари Бердақ ва Ажиниёз шеърлари таржимаси устида ишлаяпмиз.

Тан олмоқ жоиз, Алишер Навоий ғазалларини таржима қилиш ҳар қандай ижодкорга катта ғурур бағишлайди. Аммо очиғини айтганда, бу жараён ғоят машаққатли иш. Чунки ҳазрат Навоий асарлари тилини ҳам, улардаги бебаҳо маънони ҳам ҳар ким тушунавермайди. Қолаверса, унинг ғазалларидаги ҳар қандай мисра бир неча маъно беришини яхши биламиз. Тасаввуфий иборалар истифода этилган шеърларни инглиз тилида мухлисларга етказиб бериш янада қийинроқ.

Буюк сўз даҳосининг жаҳон адабиётига қўшган ҳиссаси беқиёс. Аммо катта мерос ва мақом эгаси бўлган мутафаккирнинг асарларини дунё тилларига ўгиришда, тарғиб этишда ҳали қилиниши керак бўлган ишлар талайгина. Мақсадим ана шу хайрли ишга камтарона бўлсада, ҳисса қўшиш.

**Эндрю СТАНИЛАНД,**
**Буюк британиялик шоир ва таржимон.**

# Буюк даҳони англаш зарурати ва машаққатлари

*Инсоният маънавий камолоти тарихида ҳар бир миллат ва халқнинг ўз ўрни, дунё тараққиётига қўшган ҳиссаси бўлади. Бугун жаҳон илму фани, адабиёти, санъати ривожида ўзбек халқининг ўрни ва роли тайин этилган бўлса, Алишер Навоий каби даҳо ижодкорлар ва улуғ алломалар туфайлидир. Ҳазрат Навоий нафақат улуғ сўз санъаткори, балки жаҳоншумул тафаккур ва талқинга муносиб улуғ қомусий сиймо экани маълум. Шундай экан, бугунги миллатнинг ўзлигини англаш ва англатиш жараёнида буюк аждодимиз меросига муносабатимизни янада аниқлаштириш зарурати туғилади.*

## Таҳлил ва таклиф

Буюк алломанинг маънолар хазинасига айланган байтларини бугунги кун зиёлилари томонидан тушуниш ва тушунтириш етарли даражадами? Алишер Навоий даҳосини теран англаш учун яна нималар қилиш керак? Бу каби савол ва муаммоларга дуч келаётганимизнинг боиси Алишер Навоий ҳаёти ва ижодини ўрганишда олий ўқув юртларида бугунги кунга қадар орттирилган тажриба етарли эмаслигида.

Ҳозиргача буюк мутафаккир "Мукаммал асарлар тўплами"нинг 20 жилдлиги, "Тўла асарлар тўплами"нинг 10 жилдлиги китобхонлар қўлига етиб борган бўлса-да, Алишер Навоий асарларининг қўлёзма, босма ва нашр нусхаларини ўрганишга, тузатилган илмий-танқидий матн яратишга эҳтиёж ҳали ҳам мавжуд. Чунки шоир асарларини ўз тилида, ўз ёзувида ва ифода шаклида билишга ўргатиш фақат олий таълим тизимидагина шакллантирилади.

Истиқлол даврида тасаввуф назарияси тарихига оид ўнлаб китоблар нашр қилинди, бироқ бу улкан руҳий, фалсафий ва адабий жараённи ўрганишда "Навоий ва тасаввуф адабиёти" муаммоларини тўла акс эттиради, деган гап эмас. Биз Алишер Навоий ижодинингина эмас, балки мумтоз адабиётнинг қалби саналган тасаввуф адабиётини ўрганишга киришар эканмиз, "Лисон ут-тайр" ва "Насойим ул-муҳаббат" асарлари доирасидагина чекланганмиз. Ҳолбуки, шоирнинг илмий-тасаввуфий асарлари, манқаба ва ҳолотлари, тазкира ва рисолаларини ҳамда тасаввуф руҳи сингдирилган бутун ижодини чуқур ўрганмай туриб, улуғ даҳо тараннум этган тимсоллар, мажоз ва ҳақиқат муносабатлари силсиласини англаб бўлмайди.

Маълумки, ҳазрат Навоий давридан бизни салкам олти юз йил ажратиб турар экан, шу даврда кўзга ташланган тилдаги ўзгаришлар, ифода ва талқинлар туфайли буюк шоир асарларини ўрганишда луғатларга эҳтиёж сезилади. Ўрганиш жараёнида луғат, табдил, изоҳ, шарҳ ва талқинларнинг ўзи етарли эмас. Аслида навоийшунослик бўйича мутахассислар етиштиришнинг дастлабки ўчоғи ҳам университет таълим тизими ва унинг бакалавриат ҳамда магистратура босқичи ҳисобланади. Бу борада "Навоий асарларининг тўла изоҳли луғати", "Тасаввуф истилоҳлари луғати"нинг ҳам нашр этилиши кун таркибида турган долзарб вазифалардан. Айни ўринда қарийб 20 йилдан бери ваъда қилиниб келинаётган "Алишер Навоий энциклопедияси"нинг яратилиши ўзбек навоийшунослигини бир қадар олдинга суриши мумкин эди. Бироқ ҳозирча бу борада икки жилдли "Алишер Навоий. Энциклопедик луғат" доирасидамиз холос.

Тўғри, истиқлол йилларида Алишер Навоий асарларидаги диний ва тасаввуфий талқинларга кўпроқ эътибор қаратилди. Аллома ижодининг шўро даврида очилмаган қирралари очилди, ўнлаб тадқиқотлар юзага келди. Бироқ ҳали ҳазрат Навоий фалсафаси ва унинг теран фикр қатламлари зиёлиларга етиб борганича йўқ. Бу фалсафа шундай улуғликни ўзига сингдирганки, уларни ёлғиз диний ва тасаввуфий талқинда ўрганиш камлик қилади. Буюк аждодимиз ижодида деярли мавжуд барча фанларнинг асосини кўриш мумкин. Аммо таассуфки, Алишер Навоий фалсафасини бошқа фанлар билан боғлиқликда ўрганиш талаб даражасида эмас. Университетларнинг бакалавр таълими ўқув режасидаги ижтимоий-гуманитар фанлар гуруҳида "Алишер Навоий фалсафаси" номи билан махсус фан киритилишига эҳтиёж туғилган. Бунда мутафаккир асарларида учрайдиган фалсафий истилоҳлар (тўрт унсур, олти жиҳат, беш сезги, ўн икки бурч ва ҳоказо), илгари сурилган ғоянинг ижтимоий асосларини очиб бериш, уларни жаҳон фалсафаси контекстида ўрганишни магистратура тизимида амалга ошириш керак бўлади.

Алишер Навоий ижодини жаҳон адабиёти контекстида англаш йўлида хорижий олимлар тажрибасидан ҳам фойдаланиш зарурриятга айланмоқда. Бугунги кунда буюк шоир ижоди билан жаҳондаги ўттиздан ортиқ илмий муассаса ва ўқув юртлари машғул. Улар амалга ошираётган илмий ишларни ўзбек навоийшунослигига олиб кириш туфайли ҳазрат Навоий ижодини чуқурроқ англаш, гениал асарларининг хорижий тилларга таржимасини янада кучайтириш мумкин.

Алишер Навоий ижодини махсус ўрганувчи университетларнинг ўзбек филологияси ихтисосликларида босқичма-босқич ва изчил ўрганиш учун "навоийшунослик" номи билан тавсия этилаётган алоҳида фан мавжуд. Ўзбек филологияси, журналистика, санъатшунослик мутахассисликларидан ташқари хорижий филология, исломшунослик, шарқшунослик, маданият, санъат, расcомлик ва дизайн йўналишларидаги олий ўқув юртларида босқичли суръатда "Навоийни англаш" таълимини йўлга қўйиш зарур.

Буюк даҳони англаш нафақат гуманитар фан вакиллари, балки барча зиёлиларнинг бурчи экани ҳам айни ҳақиқат. Бу борада ҳам, миллий менталитетни шакллантиришда ҳам Алишер Навоий ижоди етарли манба бўла олади. Шундан келиб чиқиб, республикадаги олий ўқув юртларида "Навоий сабоқлари" номи билан алоҳида мустақил фан жорий этиш лозим.

Айни чоғда мутафаккирнинг миллий тил равнақидаги хизматлари ва тилшунослик меросини пухта ўрганиш зарур. Мамлакатимизда қабул қилинган соҳага оид Фармон ва қарорларда миллий тилимизни Алишер Навоий асарлари воситасида ўргатиш масалалари алоҳида кун тартибига қўйилган. Бутун ўзбек тилшунослиги тизимига "Навоий ва тилшунослик муаммолари"ни сингдириш зарурати борлиги учун ҳам тил тарихи бўйича ўқитилаётган фанлар доирасида қатор илмий-методик ишларни амалга ошириш лозим кўринади.

Хулоса ўрнида айтганда, бугун мамлакатимизда ёшлар масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Комил инсон шахсини шакллантириш, миллий ғурурни юксалтириш йўлидаги саъй-ҳаракатлар учун эса улуғ шоир ижоди боқий сарчашма бўла олади.

**Ҳамидулла БОЛТАБОЕВ,**
**филология фанлари доктори, профессор.**

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 241. 20 647 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — Д. Каримов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 23.55 Топширилди — 00.25 1 2 3 4 5 6